

## ОЙ ТЎЛИШГАН ТУНЛАРДА (эссе)

**Китоб – башарият тарихида ҳеч нарса билан таққослаши мумкин бўлмаган ноёб мўъжизавий мулк, асрлар давомида одамлар ўртасидаги кўприкдир. Шу кўприк боис ўзининг тилидан бошиқасини билмайдиган одамлар дунёning нариги бурчагида яшовчи, олам харитасига тушибмаган манзилдаги ҳаёт тарзига ташриф буюради. Бу нақадар улкан иноят, донишлик рутбаси, бебадал байзо – офтоб.**

Шу ҳақда ўйлар эканман, хаёлим китобнинг куч-қудратига кетаверади. Китобнинг тилсими, мўъжизаси нимада? У қандай оҳанрабо кучки, ўқиган сари ўқигинг, сухбатлашган сайн сухбатлашгинг келаверади. Аҳли дониш: «Китоб – саодат эшиклирини очувчи калитдир», «Китоб – тафаккур айвонини ёритгувчи нур», «Китоб – офтоб» деб, бежиз айтишмаган. Агар осмондаги офтоб дунёни ёритса, китоб қалбни ёритади, фикрни нурлантиради.

Китобдан баҳрамандлик, таассуротлар ва ундан сўнгги таҳлилотнинг ўзи ажиб бир дунё. Умргузаронлик осон иш эмас. Унинг паству баландликларида, ёруғ ва қоронғи тунларида, шамолу бўронларида бошингни эгмай, қаддингни букмай, сабот ва матонат билан тик юришликка илҳомлантирадиган энг яқин дўст – бу китобдир.

Билҳақ, мутола қилганинг сари қалбинг ёлқинланиб, юзингга нур ёйлади. Мутолаадан тўхташ – фикрлашдан тўхташ, деганларида ҳикмат кўп экан. Аммо кимлардир бирор асарни ўқиб, ҳа мана, энди биз ҳам бинойидек китобхон бўлдик, китобсевар бўлдик дея, мутолаани сусайтиrsa, фикрлаш айвонига соя тушар экан.

Шуларни мушоҳада қилиб, хаёлимни яна илкки ёзувнинг пайдо бўлиши ва китобат қилиниши банд этаверади. Навоий ҳазратлари бир газалида китобат тўғрисида шундай рақам киладилар:

**Номасин бўйнумга осдим – дардима берди шифо,  
Ул китобат ҳирзи жон эрмии,  
деманг мактуб эмиш.**

«Ҳирз» – бўйинга ёки қўлтиққа осиб юриладиган тумор. «Ҳирзи жон» – жонни сақлаш тумори. Демак, ушбу байтдаги нома шунчаки мактуб эмас, балки дардга даво бўлувчи тумордир.

Мавлоно Фузулий китобни шерозалаш (жон риштаси, иплари ила) муқовалашга алоҳида ургу бериб, бир байтида шундай дейди:

**Ҳар китобаким лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,  
Ришига жон бирла ишқ аҳли ани шерозалар.  
Дарҳақиқат китоб ва китобат қилишга қадим-қа-**

димдан катта эътибор берилган. Китобга, уни ўқишига бўлган муносабат ҳам шунга лойиқ бўлган. Лекин ҳамма замонларда ҳам китоб мутолаасига бир хил қараш бўлмаган. Кимлардир китоб ўқимаса егани сингмайди, кимлардир китоб ўқиса уйқуси келади. Узок тарихни эмас, яқин йиллар воқеаларини бир чимдим эсласак, ҳозир андак таажжубда қоламиз. Бундан кирқ йиллар муқаддам мен маданиятли одам санаган танишимнинг туғилган кунига, ўзим учун жуда кимматбаҳо бўлган, (ўша вақтнинг пули билан 3 рубл, 60 тийин) 200 томлик «Жаҳон адабиёти» («Всемирная литература») сериясида чоп қилинадиган китобларни сотиб олиш абономентини совға қилдим. Туғилган кун сохибининг бу совғадан ҳафсаласи пир бўлгани норози, тунд қиёфасида акс этиб улгирди. Даврадагилар эса мени мазах қилишгандек бўлишдими-еъ, бу менга оғир ботган бўлса-да, вазминликни бой бермай, сукут сақлаб турдиму, ҳазиломуз оҳангда: «Бу абономентнинг баҳосини йиллар ўтиб биласизлар ва кулгиларингиз йигига алмашмаса деб кўркаман», дедим. Уларга бу сўзим таъсир қилмади. Бироқ, мен айтган йиллар кўп куттирмади. Икки-уч йилдан кейин «Жаҳон адабиёти» рукнидаги 200 томликнинг нархи осмонга чиқиб кетди. Москвада 2 хонали квартирага ёки «Жигули» русумли автомашинага алмаштираман деган эълонлар пайдо бўлди. Бир давр китобга қизиқиши ана шундай тус олганига кўпчилик гувоҳ. Ўлайманки, ҳозир ҳам ўқишли китоблар харидоргирдир.

Худди шундай воқеа иқтидорли қалам соҳиби Аҳрор Аҳмедов билан содир бўлган экан. Унинг ёзишича, бир дўстининг таваллуд кунига кимлар соат, кимлар галстук, кимлар пул, у эса, «Бобурнома» китобини совға қилган экан. Орадан 14 йил ўтиб, дўстлар яна айни ўша хонадонда жам бўлишган. Аҳроржон қараса, жавонда «Бобурнома» турибди. Лекин дўстининг қўлида ўша соат ҳам, балки қўйнига қўйган ўша пул ҳам йўқ эди. У фуурулланганини яширолмайди. Ҳамишаги одатига биноан у бу ғал ҳам совғага китоб олиб келган эди – Алишер Навоийнинг 2 томлик «Қомусий лугати»...

Не бахтки, орадан 2-3 кун ўтиб, ўша даврада ўтирган дўстларидан бир нечаси «Бизга ҳам Алишер Навоийнинг 2 томлик «Қомусий лугати»ни топиб берсанг» деб илтимос билан келишади. Аброржон хурсанд бўлиб, дўстларини «Шарқ зиёкори» китоб дўконига олиб тушган.

Билҳақ, китобга бўлган меҳр кундан-кунга ошиб бормоқда. Вилоятларда, туманларда қад кўтараётган китоб дўйонларига кирувчиларнинг сони ортиб бора-ётгани кишининг баҳри дилини очиб юборади. Мактабларга, лицейларга китоб совға килиш акциялари оммалашмоқда. Туғилган кунларда, юбилейларда китоб ҳадя қилингати. Шунингдек, кутубхоналардаги жонланиш, ўқувчилар сонининг кўпайиши алоҳида эътиборга молик. 1220 та болалар боғчаларидаги кутубхоналар ташкил қилиниши ҳар қандай таҳсинга лойик. Бола ёшлигига унинг китобга қизиқиши уйғотилмаса, кейин сал қийин бўлади. Богчадаги қизиқиш мактабда кўнимкмага айланади.

Ахрор Ахмедов китоб мутолааси бўйича яна бир ғаройиб воқеани эслайди: «Бундан ўн йиллар бурун телевидениеда китоб хақида бир кўрсатув тайёрлаган эдим. Унда шундай ноодатий лавҳа ҳам бор эди. Метро станцияларининг номини ўқийдиган сухандон файритабиий эълонни ўқыйди: «Ёш болали, ёши катта...ва китоб ўқиб келаётганларга жой беринг». Вагонда китоб ўқиб келаётган аёлга ғалати караб келаётганларнинг бир нечтаси бирдан ўрнидан туриб жой беради. Мен шундай кунлар келишига ишонаман».

Бу ташвиқотлар, тадбирларнинг ҳаммаси яхши, лекин китоб ва китобат қилиш, ўқишга қизиктириш, ахли зиёни рағбатлантириш давлат ва ҳукумат бошида турган раҳбарларга кўп боғлиқ экан...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги макомдаги фаолиятининг улкан ундовларидан бири: «Китобсиз келажак йўқ!» чорловидир. «Таъбир жоиз бўлса, – деб ёзади Ахрор Аҳмедов «Шарқ зиёси» газетасидаги «Китобга қайтиш» мақолосасида, – жаҳон миқёёсида дастуролди сайлов дастурига китоб ўқиш, мутолаа масалалари киритилган Биринчи Президент ҳам айнан Шавкат Мирзиёев бўлди».

Ушбу дориламон, ёруғ күнларни ўйлаб, хотираам  
шын вактларимга кетади. Бизнинг болалигимиз Иккин-  
чи жаҳон уруши ва ўқувчилигимиз урушдан кейинги  
машаққатли, ўқиши шарт-шароитлари оғир йилларда  
кечди. Лампачироғини ёқишига керосин камлигидан  
китоб ўқиши учун Оймомонинг тўлишган тунларини  
кутар эдик. Тўлин Ой оқшомлари, ҳамма тинчгина  
ором уйқуси пайтида, уйимиз олдидаги мўъжазгина  
майдонча четида Марк Твеннинг «Том Сойернинг  
саргузаштлари», шунингдек, саргузаштларга бой

«Капитан Грант болалари» ва бошқа сувратли ки-  
тобларни ўқиб, тонг оттирап эдим. Айникса шеър  
ўқишига, ёдлашга қизиқишим баландлигидан Ҳамид  
Олимжоннинг кўпгина шеърларини, жумладан:  
«Бўлсам», «Жануб кечасида», «Хол», «Офелиянинг  
ўлими», «Хаёлимда бўлдинг узун кун» ва бошқа  
битикларини ёдлашни хуш кўрар эдим ва мактабда,  
адабиёт дарсларида ёдан ўқирдим. Шоирнинг «Во-  
дийларни яёв кезганда», деб бошланувчи шеърини  
ўзгача меҳр билан ўқирдим.

## *Водийларни яёв кезганды*

*Бир ажисб ҳис бор эди менда.*

*Чаппар уриб гуллаган богин,*

*Үнэр эдим Ватан түпрөгин.*

Мен учун энг таассуротлиси, адабиёт дарси пайтида ўқитувчимиз Авазжон опанинг аввали кистови, кейин-кейин сал ундови билан «Ўрик гуллаганд»ни шариллатиб айттар эдим:

*Деарзамнинг олдида бир туп,*

*Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...*

## **Новдаларни безаб ғүнчалар,**

## **Тонгда айтди ҳаёт отини**

## *Ва шаббода күрөштүр илк сахар*

**Олиб кетди гулнинг тотини.**

Гоҳ кунлари юқори синфларда дарс берадиган адабиёт муаллими, устозимиздан сўраб, мени дарс пайлари ўзи билан эргаштириб, ўзи дарс бераётган синфига олиб кирар ва оёғим тагига табуретка қўйиб, ёддан биладиган шеърларни ўқитарди. Мен ўқиб бўлгач, муаллим ўша синф болаларига адабиёт ўқимасликда танбех бериб, мендан ўрнак олишга чакирарди. Менинг ўша синфдаги ёши катта ўғил-қизларнинг шеър тинглаш ҳолати билан ишим бўлмай, хурсанд бўлганимча, «ёр» маъносига тушушиб-тушунмай, Ҳамид Олимжоннинг «Энг гуллаган ёшлик чогимда» шеърини бор овозим билан синфни жаранглатардим.

**Энг гуллаган ёшлик чөгимда,**

## **Сен очилдинг күнгил бозимда.**

*Шунда күрди күзим баҳорни.*

*Шундя калбим таниди ёрни-*

Тўлин Ой оқшомлари таассуроти то ҳануз менинг болалик хотираларим билан вобаста яшайди. Ҳозирги кунда ҳамма нарса муҳайё: замонавий жихозлар билан кучоқ очиб кутаётган кутубхоналар, хонадонлардаги шарт-шароитлар керагидан зиёда, гўзал, турли мавзулардаги китоблар бисёрдан-бисёр. Факат, меҳр, эътиқод билан ўқиш зарур, бу эса миллатимизнинг равнақи, мамалакатимизнинг ривожига бекиёс катта хисса кўшади.

«Китобсиз келажак йўқ» чорловининг жарангি бардавом экан, китоб офтоб янглиф дилларни равшан, юракларни фараҳбахш этаверади.